# Раббингиз нима деганини биласизларми?!"- дея савол бердилар. Одамлар: "Аллоҳ ва Расули билгувчироқдир"- дедилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Аллоҳ таоло: "Бандаларимдан айримлари менга мўъмин ва айримлари эса кофир бўлиб тонг оттирди

Зайд ибн Холид Жуҳаний разияллоҳу анҳунинг шундай дегани ривоят қилинган: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳудайбияда бизга бомдодда имом бўлиб намоз ўқидилар, шу туни ёмгир ёққан эди. Намоздан тургач, одамларга ўгирилиб: "Раббингиз нима деганини биласизларми?!"- дея савол бердилар. Одамлар: "Аллоҳ ва Расули билгувчироқдир"- дедилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Аллоҳ таоло: "Бандаларимдан айримлари менга мўъмин ва айримлари эса кофир бўлиб тонг оттирди. Аллоҳнинг лутфи ва меҳрибонлиги билан устимизга ёмғир ёғди, деганлари Менга мўъмин, юлдузларга эса, кофир бўлдилар. Аммо "фалон ва фалон юлдузлар сабабли устимизга ёмғир ёғди"- деганлар Менга кофир ва юлдузларга мўъмин бўлди", - деди".

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Макка шаҳрига яқин қишлоқлардан бири бўлган Ҳудайбийяда ёмғир ёққан кечанинг тонгида бомдод намозини ўқидилар. Салом бериб, намозларини тугатгач, юзлари билан одамлар тарафга ўгирилиб: "Иззат ва улуғлик эгаси бўлган Раббингиз нима деганини биласизларми?",- деб савол бердилар. Саҳобалар: "Аллоҳ ва Расули билгувчироқдир!"- деб жавоб беришди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Аллоҳ таоло ёмғир ёққан пайтида одамларнинг иккига бўлинганлари: айримлари Аллоҳ таолога мўъмин, айримлари эса кофир бўлганлиги ҳақида хабар берди",- дедилар. Кимки, Аллоҳнинг лутфи ва меҳрибонлиги билан устимизга ёмғир ёғди деган булса, ана ўша Коинотни бошқарувчи ва Холиқ-Яратувчи бўлган Аллоҳ таолога мўъмин ва юлдузларга кофир бўлди. Бироқ, кимки ёмғир ёғишини юлдузларга боғласа: "Фалон ва фалон юлдузлар сабабли устимизга ёмғир ёғди", - деган бўлса, Аллоҳга кофир ва юлдузларга мўъмин бўлди. Бу куфр - (мусулмончиликдан чиқармайдиган) кичик куфрдир. Ҳолбуки, Аллоҳ таоло юлдузларни ёмғир ёғишига на шаръий ва на қадарий сабаб қилмади. Кимда ким ёмғир ёғиши ёки ундан бошқа Ердаги ҳодисаларни юлдузларнинг чиқиши ёки ботишидаги ҳаракатларга боғлаб, уларни ҳақиқий омил дея эътиқод қилса, бундай одам катта куфрни қилган ҳақиқий кофирга айланади.


النجاة الخيرية
ALNAJAT CHARITY
لجنة الدعوة الإلكترونية
EDC
E-Da'wah Committee